

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

РЕФЕРАТ

Мавзу: Ўзбекистонда маҳалла институтининг шаклланиши

Бажарди: Абдулазимов Камрон,

Тошкент – 2014

Ўзбекистонда маҳалла институтининг шаклланиши

Тарихий манбаларда қайд этилишича, асрлар давомида шарқ халқлари маҳаллаларга жипслашиб, маълум тартиб-интизом, қонун-қоидаларга риоя қилган ҳолда яшаб келганлар. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг маҳаллий органлари тизими шарқ халқлари турмуш тарзида қадимдан шаклланиб, ривожланиб ва бугунги кунда ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда.

Марказий Осиёда фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тизимининг шаклланиш босқичларини қадимги, ўрта асрлар, чор Россияси ва шўро мустамлакачилиги ҳамда миллий мустақиллик даврларига бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини дастлабки шарқона кўринишлари қадимги даврда мамлакатимиз жанубида пайдо бўлган.

Жумладан, сўнги даврларда қўлга киритилган археологик маълумотларга кўра, мамлакатимиз ҳудудида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг илк элементлари бронза (жез) даврига бориб тақалади. Бронза даврининг ёдгорлиги бўлган Сополлитепадан топилган манбаларнинг гувоҳлик беришича, у ерда мил.ав. XVIII-XV асрларда саккиз оиланинг манзилгоҳи қайд этилган¹. Уларни фақат уруғ жамоаси эмас, балки ишлаб чиқариш манфаатлари, яъни касб-кори бирлаштирган. Бу манзилгоҳдаги саккиз оила таркибида патриархал тизим асосида қурилган юздан ортиқ жуфт оилалар уюшган. Катта оилалар жамоасини улар орасидан сайланган оқсоқол бошқарган. Оқсоқоллар ўз навбатида олий оқсоқоллар кенгашига бирлашган. Жамоа - қишлоқ ҳаёти билан боғлиқ бўлган барча муаммоларни оқсоқоллар олий кенгаш орқали ҳал қилишган². Шундан кўриниб турибдики, ҳудудимизда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш тизимининг дастлабки элементлари жамоавийлик асосида вужудга келган.

¹ Иброҳимов А. Биз ким, ўзбеклар. –Т.: Шарқ, 1999. –Б.130.

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. –Т., 2003. –Б.548.

Қадимги диний китоб “Авесто”да илк жамоавийликнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш босқичлари қайд этилган. Жумладан, нмана (ката патриархал оила)ларнинг бирикуви вис (уруғ жамоаси)ни ташкил этган.

Муайян ҳудуддаги қўшни вислар бирикувидан варзана (худудий қўшничилик жамоаси), уларнинг уюшувидан занти (қабила) юзага келган.

Қабилаларнинг ўзаро бирлашуви эса дахью (қабилалар иттифоқи)ни вужудга келтирган³.

Шунингдек, мил.ав. III асрдан – милодий V аср бошларигача фаолият кўрсатган қадимги Фарғона (Паркана) давлатида ундаги барча аҳамиятли масалаларни оқсоқоллар кенгаши ҳал этган. Булар, жумладан, уруш ҳолатини эълон қилиш, сулҳ тузиш, вазирлар таркибини ва солиқларни тайинлаш, жамоат ишларига сафарбар этишдир. Шундай ҳолатлар бўлганки, тахтдаги шох катта хатоларга йўл қўйганда, оқсоқоллар уни бошқасига алмаштиришган⁴.

Демак, тарихий манбаларни таҳлил қилиш натижаси шундан далолат берадики, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш тизимининг илк кўринишлари маҳалла, яъни катта оила сифатида шаклланган. Кейинчалик катта оила ёки бир неча оилаларни ўзига бирлаштирган худудий бирликдаги жамоа тушунилган.

Марказий Осиёда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш тизими шаклланишининг навбатдаги босқичи араблар истилосидан сўнг маҳалла номи билан аталди ва фаолияти ўзгача шарқона кўринишда такомиллашди.

Хусусан, шарқ илк уйғониш босқичида яшаб ижод этган мутафаккир Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида савдо-хунармандчилик мавзеларини ифодаловчи “маҳалла” атамаси биринчи марта ишлатилган⁵.

“Маҳалла” сўзи бизга араб тилидан кириб келган бўлиб, “Маҳаллун”, яъни фуқаролар яшайдиган ва меҳнат қиладиган ўрин-жой сўзидан олинган.

³ Ғуломов М. Маҳалла – фуқаролик жамиятининг асоси. –Т.: Адолат, 2003. –Б.9.

⁴ Маҳмудбеков Ш. Маҳалла ўзини ўзи бошқариш тизими: тарихи ва бугунги куни. –Т., 2004. –Б.6.

⁵ Ғуломов М. Маҳалла – фуқаролик жамиятининг асоси. –Т.: Адолат, 2003. – Б.16.

Кишилар ўртасида келиб чиққан низоларнинг барчаси маҳалланинг ўзида ҳал этилиб, аҳамиятга молик масалалар ҳар бир кўчадан сайланган ўнбоши билан маслаҳатлашган ҳолда кўриб чиқилган. Маҳаллаларга халқ томонидан сайланадиган элликбоши, катта маҳаллаларга эса амин раҳбарлик қилган.

Араб босқинчилари ҳудудимизга кириб келганларидан сўнг маҳаллалар уларга нисбатан кўрсатилган қаршиликнинг асосий марказига айланган⁶.

Ўз навбатида, Ўрта Осиёда араб халифалиги қисқа муддат ҳукм сурганлиги, Мовароуннаҳр маҳалла аҳолисининг бу хорижий истилони қабул қилмаганлиги, унга қарши кураши билан боғлиқдир.

Буюк мутафаккир Абу Наср Фаробий “Фозил одамлар шаҳри” ҳақида фикр юритган. Фаробий фозил шаҳарни ижтимоий уюшишнинг етук шакли, инсоният камолотга эришувининг зарурий воситаси, деб ҳисоблаган⁷.

Шунингдек, IX аср тарихчиси Муҳаммад Наршахий “Бухоро тарихи” номли асарида Бухорода 1100 йил илгари бир қанча маҳаллалар, гузарлар мавжудлигини қайд этиб ўтган⁸.

Алишер Навоий “маҳалла-шаҳар ичидаги шаҳарча” деган таърифни ўзининг “Ҳайрат-ул аброр” асарида келтирган. Бундан кўринаптики, Ҳирот шаҳри, Навоий таърифлаганидек, юз шаҳарча аҳамиятига эга бўлган маҳалладан таркиб топган⁹. У шунингдек, маҳалладошлар ўртасида ҳурмат, тенглик мавжуд бўлганлигини, бой ва камбағалнинг бир-бирига муносабатида ғамхўрлик қадрланганлигини таъкидлаб ўтган.

Маҳаллалар айниқса, Амир Темури тузган давлатда ривожланди. Ўша вақтга келиб маҳаллаларда истиқомат қилиш фуқароларнинг касб-кори асосида ташкил этилган. Темирчилар, қурол-яроғсозлар, тикувчилар, чармдўзлар, гиламдўзлар, кулоллар, қурувчилар ва бошқа ҳунармандлар бир жойда меҳнат қилиб, ҳаёт кечирганлар. “Темур тузуклари”да ёзилишича, Амир Темур давлатни бошқаришда маҳалла фаолларига таянган, улар билан

⁶ Маҳмудбеков Ш. Маҳалла ўзини ўзи бошқариш тизими: тарихи ва бугунги куни. –Т.: 2004. –Б.7–8.

⁷ Иброҳимов А. Биз ким, ўзбеклар. –Т.: Шарқ. 1999. –Б. 26–27.

⁸ Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. – Т.: Ўзбекистон, 2001. –Б. 183.

⁹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. –Т., 2003. –Б.412.

махаллий муаммолар бўйича маслаҳатлашган ва фаолиятларини бевосита кўллаб-қувватлаган¹⁰.

Тарихнинг хонлик даврларида ўнбоши, элликбоши, юзбоши ва аминларнинг ҳар бирига ўз даражасида ҳуқуқ берилиб, халқ уларнинг чиқарган ҳукмларини қонун деб билган¹¹.

1740 йилда Тошкентга Оренбургдан келган биринчи рус савдо карвонининг соқчилар сардори поручик Н.Миллер шаҳарда 150 га яқин маҳаллалар бўлгани ҳамда хунармандчилик маҳсулотларининг савдо-сотиғи шаҳар бозорларида бўлса-да, ишлаб чиқариш устaxonалари маҳаллаларда жойлашгани ҳақида маълумот беради¹².

Минтақада фуқаролар ўзини ўзи бошқариш тизими шаклланишининг учинчи босқичи чор Россияси ва шўро мустамлакачилиги (Собиқ Иттифок) даврига тўғри келади.

Чоризм мустамлакачилиги даврида 1903 йилда қабул қилинган “Туркистон ўлкасини идора этиш Низоми”да кўрсатилганидек, ўлкадаги вилоятлар уезд, шаҳар, волост ва овулларга бўлинган. Вилоят ва уезд маъмурий идоралари жойлашган аҳоли марказлари шаҳар ҳисобланган. Шунини айтиш керакки, ҳар бир волост 1000 дан то 2000 гача хонадонни ёки 10-13 қишлоқ жамоа (оқсоқоллик)ни ўз ичига олган¹³. Ҳар бир қишлоқ (ўтроқ аҳоли учун) ва овул (кўчманчи аҳоли учун) жамоаси эса 150-200 хонадондан иборат бўлган. Волост ва қишлоқ йиғинлари раҳбарлари тегишли маъмурий бирлик аҳолиси томонидан тайинланган вакиллар орқали уч йилга сайланар эдилар.

Даставвал, аҳолиси 150 хонадондан ошмаган қишлоқ ёки овул оқсоқолига 100 руб, 150 хонадондан ошганига эса 150 руб ҳажмида йиллик маош белгиланган. Оқсоқолларнинг вазифалари ўз ҳудудида мажлис ва йиғинларни ташкил этиш, солиқ ва бошқа тўловларни йиғиш,

¹⁰ Темур тузуклари. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997. –Б.32.

¹¹ Маҳмудбеков Ш. Маҳалла ўзини ўзи бошқариш тизими: тарихи ва бугунги куни. –Т., 2004. –Б.9.

¹² Соколов Ю. Ташкент, ташкентцы и Россия. –Т.: Узбекистан, 1965. – С.27.

¹³ Положения об управлений Туркестанского края. –Т.: Типо-литография В.М.Ильина, 1903. –С.64.

расмийлаштириш ҳамда уларни давлат хазинасига топширишдан иборат эди¹⁴.

Лекин бу хизматлар доирасидан ташқари оқсоқоллар ўз худудини имкони борича тартибга келтириш, ободонлаштириш ва турли маърифий-тарбиявий фаолият билан ҳам шуғулланиб келишган.

Шунингдек, аҳоли томонидан сайланган оқсоқоллар сув таъминотини ташкил этиш, жамоа ерлари ва мавзеларида томорқа тақсимлаш, ҳамда ҳашар йўли билан мудофаа истеҳкомлари қурилишига фуқароларни жалб қилиш каби вазифаларни бажарганлар¹⁵.

Совет ҳукумати маҳаллага ўтмиш саркити сифатида қараган. Шундан келиб чиқиб, у анъанавий миллий бошқарувларни бекор қилиш йўли билан саноатлашган “илғор” жамиятни қарор топтириш сиёсатини жорий этишга киришди. 1920 йил бошларида совет ҳукумати маҳаллалар вазифасини чеклаш ва ўзига бўйсундиришга интилди, бу ҳол маҳалла фаолиятига ўз таъсирини ўтказди¹⁶.

1920-30 йилларда маҳалла эски турмушга қарши “хужум”да паранжи ташлаш ва хотин-қизларни озодликка чиқариш ҳаракатларида қатнашди. Шу билан бирга маҳалла саводсизликни тугатиш, оммани маърифатли қилиш, жойларни ободонлаштириш (йўл, чойхона, мактаблар қурилиши)да муҳим аҳамият касб этди¹⁷.

1932 йил 17 апрелда Ўзбекистонда биринчи маротаба шаҳарлардаги маҳалла қўмиталари тўғрисида Низом чиқди. 1935-36 йилларда маҳаллаларда оқсоқол бошчилигида маҳалла қўмиталари ташкил этилиб, аҳоли ўртасида олиб бориладиган барча ишларни раис бошқарган.

2-жаҳон уруши даврида маҳалла байналмилалчилик жиҳатини намоён этди. Маҳалла қўмиталари армияга чақирувни ташкил этиш, аҳолидан

¹⁴ Положения об управлений в Туркестанском генерал-губернаторств. –Т.: Канцелярия генерал-губернатора, 1881. –С.10.

¹⁵ Маллицкий Н.Г. Тошкент маҳалла мавзелари.–Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996, – Б.7.

¹⁶ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти.–Т.: 2003. –Б.238.

¹⁷ Ўша ерда. –Б.238.

посилка жўнатиш, кўчириб келтирилган аҳоли ва болаларни жойлаштириш каби вазифаларни фаол амалга оширди¹⁸.

1961 йилнинг августида ЎзССР Олий Совети томонидан қабул қилинган “Республика маҳалла комитетларининг тузилиши ва фаолиятига доир Низом” маҳалла комитетларига иқтисодий, хўжалик ва ижтимоий хайрия фаолияти билан шуғулланиш ҳамда юридик шахс сифатида иш олиб боришини тақиқлади¹⁹. Ўз навбатида, ушбу ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат фуқаролар ўзини ўзи бошқариш тизимининг ҳуқуқ ва ваколатларини чеклаган эди.

Фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тизими шаклланишининг навбатдаги босқичи миллий мустақиллик даврига тўғри келади.

Шу ўринда юқорида билдирилган фикрларга **хулоса** ясаб шуни айтиш мукинки, Ўзбекистонда жамоатчилик ва ўз-ўзини бошқаришнинг тарихий ва миллий-маънавий негизи жуда узоқ даврларга бориб тақалади ва тарихнинг турли синовларидан матонат билан ўтиб келаётган жамиятнинг бир институти сифатида маҳалла институтини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Шунингдек яна қуйидаги хулосаларни ҳам билдириш мумкин:

Марказий Осиёда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши элементлари ҳали давлат пайдо бўлмаган даврлардаёқ шаклланган. Фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тизимининг дастлабки кўринишлари жамоавийлик асосида вужудга келган бўлиб, асосан йиғин ва кенгашлар шаклида бўлган. Улар ўша даврда жамоа-қишлоқ ҳаёти билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилишган.

Араб босқинчилари ҳудудимизга кириб келганларидан сўнг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимига “маҳалла” атамаси киритилди²⁰. Мазкур маҳаллаларга халқ томонидан сайланадиган ўнбоши, элликбоши, юзбоши ва аминлар раҳбарлик қилган. Улар маҳаллий

¹⁸ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. –Т., 2003. –Б.238.

¹⁹ Маҳмудбеков Ш. Маҳалла ўзини ўзи бошқариш тизими: тарихи ва бугунги куни. –Т., 2004. –Б.14.

²⁰ Маҳмудбеков Ш. Маҳалла ўзини ўзи бошқариш тизими: тарихи ва бугунги куни. –Т., 2004. –Б.14.

даражадаги масалалар, шунингдек кишилар ўртасида келиб чиққан низоларни маҳалланинг ўзида ҳал этганлар.

Фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тизими чор Россияси ва шўро муштамлакачилиги даврида таназзулни бошидан кечирган. Лекин, фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тизими ўзининг яшовчанлигини намоён этиб, анъанавий ҳаёт тарзи, урф-одат ва расм-русумларини сақлаб қолди.

Қисқа қилиб айтганда, Марказий Осиё халқлари учун хос, ўзини ўзи тўла бошқаришга қодирлигини исботлаб келган, анъанавий, миллий, жамоавий маҳалла тизими даврлар давомида шаклланиб, қадрият даражасига кўтарилди. Ўз навбатида, миллий мустақиллик даврига келиб фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий асослари демократик тамойилларга мос ҳолда такомиллаштирилмоқда.